

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2017 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида муҳасаммаз этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшайётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиги кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айлиб қолди.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу кутлуг айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрами-

ни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсоннинг табиат билан узвийлигини, ўзини унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг нозиматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш; барча шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуг инсонлар, табарруқ отахон ва онахонлар-

ни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмак-муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгилашиш, қут-барақа, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг қўламдаги ободончилик ва кўламазорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар, цирк артистлари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш; сайил дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, элу юртнинг дилидан чуқур жой олган, қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғулар-

ни тараннум этадиган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджетли ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетли маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўплансин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Муносабат

Мамлакатимизда сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва фаолиятини янада ривожлантириш йўлида кенг қўлам-ли ишлар амалга оширилмоқда.

ХАЛҚ МАНОФААТЛАРИ — УСТУВОР МЕЗОН

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда суд тизими ривожланишини мутлақо янги bosқичга олиб чиқди.

Мазкур Фармон кенг қамровли бўлиб, тизимни такомиллаштиришга оид ҳар бир жиҳатни ўз ичига олган билан янада аҳамиятлидир. Жумладан, Фармонда суд тизими мустақиллигини тўла таъминлаш, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш, судларнинг моддий-техник таъминоти ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш каби муҳим масалалар белгиланган.

Фармон билан судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принциплари рўйи этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил этилиши республика-мизда суд тизимида янада малакали кадрлар фаолият юрити-шини таъминлайди.

Давоми 2-бетда.

ЮРТДОШИМ, БОҒИНГГА БИР НИҲОЛ ҚАДА...

Баҳор — навқиронлик, яратувчанлик, ободлик фасли. Дилларга шуқуқ бағишлайдиган ҳикматлари кўп унинг. Илди эрган майсанинг ғайрати, бир томчи зилол сувнинг ҳимматидан ризқ унади. Бободехқон киши билан созлаган яроғини елкасига осиб, далага ошиқади. Боғбон ниҳоллар ҳолидан хабар олишга шошади.

Бугуннинг гапи

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, кўча ва хибонларида баҳорги ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳар бир юртдошимиз ўз ҳовлиси, маҳалласида эзгу ниятлар билан кўчат ўтказиш, худудларимизни боғу бўстонга айлантиришга киришган.

— Баҳор келишини бир кутаман, бир кутаман-ей, — дейди Зағиота туманидаги кўчатчиликка ихтисослашган "Миришкор Сайфуддинова Хонзода" фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Сайфуд-



динов. — Ҳар баҳорда етиштирган кўчатларимизга гўё отадек оқ йўл тилаб, боғбонларга "уза-тамин". Томир экан-да, кейинчалик ҳам ўша ниҳоллар тақдири қандай кечаяптикин, деган ҳаёл билан яшаймиз. Билсангиз, кўчат уммаган ернинг фойзи бўлмайди. Ниҳол

кўламаган ердан барака қочади. Беҳиз ота-боболаримиз бирон жойни макон тутишдан бурун кўчат экиб, унинг авжига қараб, манзил танлашмаган. Бунда ҳикмат бор... Бу гаплар 300 дан ортиқ турдаги мева ва манзарали кўчатларни етиштираётган, 50 дан

зиёд атиргул навини ўстириб, ҳаттоки, узок ва яқин хорижга экспорт қилаётган уста боғбоннинг фалсафаси! Унинг қалбига боболар жойлаб кетган кўхна мантик. Қолаверса, бу сиз-у бизнинг баайни дилимиздаги гап, азиз замондош.

Томорқа маданияти, ер билан "тиллашиш" ҳақида кўп гапирармиз. Бугун ўша гапларнинг амалий исботини кўрсатадиган вақт келди. Бинобарин, кўчат экиб, боғ яратиш — халқимизга хос эзгу фазилат.

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 10000 сўм бўлган пул белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида



"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшинкор элементлар фониди Ўзбекистон Республикаси Гербни тасвирлаган.

Гербнинг пастки қисмида етти та рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшинкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг

қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида "10000" рақами тасвирланган бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради.

Гербнинг ўнг тарафидаги "10000" рақами устига йирик ҳарфлар билан "SO'M" сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида банкнот қиймати сўз билан "O'N MING" кўрсатилган.

Нақшинкор рамканинг

пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART" ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг тўқ кўрангли нақшинкор рамкаси, "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги "10000" рақамлари бўртиб тура-

ди, ушлаб қўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган "10000" рақами тепасида банкнотнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялиги бурчагининг ҳолатига қараб рангини ўзгартирувчи ва ушлаб қўрилганда билинадиган бўртиб турувчи, тил-

ла-бронза рангли саккиз қиррали нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил "2017" кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмида кўк ва бинафша рангда ишланган нақшинкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида "10000" рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида "SENAT" меъморий биноси, бино гўмбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Тасвирнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи "10000" ва "SO'M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепаси-

да банкнотнинг қиймати сўз билан "O'N MING" кўрсатилган.

Пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MI QALBAKILASHTIRISH QONUNIGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI" матни жойлашган.

Ушбу матннинг икки томонида "10000" рақамлари, шунингдек, банкнотнинг энг юқори қисмида "O'N MING SO'M" ёзуви акс эттирилган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 10000 сўм бўлган пул белгилари, айти пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Тошкент темир йўл вокзалида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бир гуруҳ аскарлар тантанали кутиб олинди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда иштирок этган кенг жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун фахр ва шон-шараф ишига айланганини алоҳида таъкидлади.

«БЎЙЛАРИНГДАН ЎЗИМ АЙЛАНАЙ, БОЛАМ!»

Қайд этилганидек, жойларда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш ва кутиб олиш маросимлари юксак савияда ташкил этилмоқда, аскарлар билан видеомулоқотлар ўтказилаётир. Армия ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик ва матонат мактабига айланди. Ўз йигитлик бурчини адо этиб қайтган ўғлонларнинг ўқиш ва ишга кириши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишни таъминлашга эътибор кучаймоқда.

Хизматни Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида намунали ўтаб, уйига — ота-онаси бағрига қайтган аскарлар орасида зангиоталик Жаҳонгир Абдуллаев ҳам бор.

Жаҳонгир хизматда командир ва бошлиқлар ишончини оқлади. Ўқув машғулотларида яхши натижаларга эришиб, фахрий ёриқлар билан тақдирланди. Олий таълим муассасасига ўқишга киришда кўшимча имтиёз берадиган кўмондонлик тавсияномасига эга бўлди.

Армияда ҳар томонлама тоблини, дунёқароши кенгайиб, билими ошган бу йигит келажакда ўқитувчи бўлишга аҳд қилган. Эндilikда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ўқишга кириш учун тайёргарликни давом эттирадиган Жаҳонгирга ҳарбий хизматда олган билим ва кўникмалари асатиши шубҳасиз.

Ж. Абдуллаев билан бир сафда хизмат қилган бўстонликлик Зокир Тилаволдиев ҳам олий даргоҳларга имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлди.

— Хизмат давомида ҳарбий соҳага қизиқшим янада ошди, — дейди Зокир. — Айни пайтда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-мухандислик билим юртига ўқишга киришни мақсад қилдим. Ниятим — келажакда офицер бўлиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

□ Дил сўзи

Одам ҳаётда ўзини бахтли ҳис қилиш учун унчалик кўп нарсаси керак эмас. Аслида дунёга келганимиз, юртимиз тинчлиги, дастурхонимиз тўқилиши, тайинли иш жой ва доимий даромадга эга эканлигимиз, ўзимиз ва оила аъзоларимизнинг соғ-саломат юрганлигини ўзи бахт. Бу бахт бекамликда фуқаролик алоҳида ўрин тутати. Буни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш учун йиллар давомида паспорт ва фуқаролик билан боғлиқ турли муаммоларга дуч келганлар жуда яхши ҳис қилади.

БАХТИ БЕКАМЛИК ШУКУҲИ

Пешонамга Тожикистон Республикасининг олис туманида туғилиш ёзилган экан. Айтишларича, отам (марҳум) Хидирали Усмонов 1991 йилнинг куз фаслида Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрига келиб ишлайди, шу ердан уй сотиб олади. 1992 йилнинг январь ойида ана шу уйга ўзи ва Тошкентда таълим олаётган катта акам Умид Усмоновни доимий рўйхатга қўяди.

Уша кезлардаги қонун-қоидага биноан улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади, сентябрда тўлиқ кўчи келган оиламизнинг бошқа аъзолари Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган гувоҳномага эга бўлади, холос. Бу дастлаб билинмас-да, кейинчалик, паспорт ва фуқаролик билан боғлиқ ҳолатларда, сайловларда яқинларим қатори меннинг ҳам қайфиятимга салбий таъсир қилди, кўнглим ўқсиди. Қачондир фуқаролик паспортини оламан, деган ўй билан ойналар, йилларни ўтказдим. Ўнгилқандан дарак бўлмагач, аста-секин умидларим сўна бошлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 20 декабрда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармонида биноан қўйилар юртдошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши менда, бизда яна умид учкунларини пайдо қилди.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган шу мазмундаги Фармонида мен, шунингдек, акаларим Фарҳод ва Уктам Усмоновлар, синглим Феруза Нурмухамедованинг ҳам исми-шарифи борлиги оиламизда катта хурсандчилик, ҳақиқий байрамга сабаб бўлди. Ахир, шундай обод ва фаровон, тинч юрт фуқароси бўлиш насиб этганидан қувонам, байрам қилмай бўладими?!

Дарҳақиқат, биз сингари қанчадан-қанча инсонлар кўнглини тоғдек кўтарган, уларга бахти бекамлик бахш этган давлатимиз раҳбаридан гоят миннатдоримиз.

Дилшод УСМОНОВ,
Олмалик кон-металлургия
комбинати Калмоққир
кони бошқармаси муҳандиси.

Натижада, судьянинг ўз олдида турган ҳар бир масалани жиддий ёндашув янада кучайиб, суд қарорларининг адолатли ва ҳаққонлиги тўла таъминланади. Бу эса ўз-ўзиндан ҳалқимизнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, суд ҳокимиятининг мутлақо мустақил бўлишида моддий-техник таъминот ҳам муҳим аҳамият касб этади. Судлар фаолиятини молиялаштириш суд ҳокимиятининг ўзи томонидан амал-

◀◀ Бошланғич 1-бетда.

Ўтган йили Қибрай тумани Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қўмағида 5 минг 280 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Маълумотларга кўра, ҳудудда кичик корхона ва микрофирмаларнинг кенгайтирилиши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган фирмалар сони ортиб бораётгани бу борада ижобий самара бермоқда.

Марказимиз томонидан биринчи навбатда аҳолини иш билан таъминлаш, касбга тайёрлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича изчил иш олиб боришмоқда, — дейди марказ директори Ж. Эрматов. — Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган йили шу тоифадаги шахслардан 15 нафари касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази курсларида бепул ўқитилди ва доимий иш билан таъминланди. 2016 йилда касб-хунар коллежи ва академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртинининг 1 минг 840 дан ортиқ битирувчиси ишга жойлаштирилди.

Марказ давлат ва хусусий корхоналар, ташкилотлар билан яқин ҳам-

корликда янги иш ўринларини ташкил қилишга ҳам ҳисса қўшмоқда. Хусусан, санаят йўналишида ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини

Шу билан бирга, Фар-

монга мувофиқ Олий суд ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш орқали фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий масалалар юзасидан ҳайбатлар суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судида ташкил этилади. Бунинг натижасида ягона суд амалиёти таъминланиб, одил судловнинг самараси янада ортади.

Амалдаги қонунчиликка асосан фуқаролар, шу жумладан, тадбиркорлик

субъектларини ваколатли шахслар томонидан бир томонлама ёндашув асосида маъмурий жавобгарликка тортиш жараёни ёпиқ ҳолатда, шахсларга хабар берилмасдан ўтказиларди. Бу эса уларни малакали адвокатлар билан иштирок этиш имконидан маҳрум қилиб, турли норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётган эди. Фармонда мазкур масалани ҳал қилиш учун маъмурий судлар тизимини ташкил қилиш ва фуқаролар, шу жумладан, тад-

биркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш кафолатланди. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши кўзда тутилган бундай ислохотлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилиниб, эркин фаолият юритишлари учун имкониятлар янада кенгайди.

Элдор ТУЯКОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати.

□ Мулоқотдан сўнг...

Республика Президентининг, эгаллаб турган мансабининг катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир раҳбар бутун фаолияти давомида кўпроқ халқ орасида бўлиши, фикр-мулоҳазалари, талаб-истаклари, орзу-ўйларини тинглаб, маслаҳатлашиб иш юритиши лозимлиги хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ, жойларда фуқаролар билан учрашувлар, очик мулоқотлар изчил давом этиб, уларда кўтарилаётган муаммолар, билдирилаётган таклиф ва истаklar юзасидан амалий чоралар қўрилмоқда.

ОДАМЛАР БИЛИБ АЙТАДИ

Тошкент вилояти ҳокими Шукрулло Бобоев қатор шахар ва туманларда бўлиб, турли соҳа вакиллари ва маҳаллаларнинг фаоллари билан бевосита суҳбатлашганда ўртага ташланган камчилик ва нуқсонлар навбати билан ҳал этиб боришмоқда. Бекобод шаҳридаги мулоқот ҳам очик-ошқора тарзда ўтиб, фуқаролар таклиф ва истаklarни эмин-эркин баён этдилар.

"Тараққиёт" маҳалласидаги ишламаётган сув тортиш иншооти ва қувурларни қайта ишга тушириб, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи кўтарилган эди. Шаҳар ҳокимининг шу йил 8 февралдаги қарорига мувофиқ, қаровсиз ётган ва бошқа ташкилотлар тасарруфидаги эгасиз ичимлик суви иншоот ва тармоқлари, жумладан, "Тараққиёт" маҳалласи, Ширинсой кўчасидаги фойдаланилмаётган ичимлик суви қудуги 300 квадрат метр ер майдони билан бирга шаҳар "Сув-оқова" филиалига ўтказиб берилди.

Шаҳардаги Пахтаобод кўчасида автотранспорт ҳаракати тезлигини чекловчи белгилар йўқлиги мактаб болаларининг ўқишга қатнашларида жиддий ҳавф туғдираётган эди. 1-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Л. Салимованинг шу масала хусусидаги таклифи эътиборга олинди, юқоридаги кўчага ҳаракат тезлигини соатига 50 километрдан оширишни тақиқловчи белги ўрнатилди. Шунингдек, темир йўл кесилишида пидедалар ҳавфсизлигини

таъминлаш ҳақидаги талабга мувофиқ, кесилишнинг шаҳар марказига ўтиш қисмида кунлар исчиши билан пидедалар учун "зебра" шаклидаги махсус ўтиш жойини ажратишга қарор қилинди.

12-даҳа, 31-йўл, 2-хонадонда яшовчи Н. Ҳожиматова очик мулоқотда иштирок этиб, "Ўзбекистон металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятида ишлаш ниятида эканини маълум қилди. Мазкур учрашувда қатнашган комбинат вакили бу масала юзасидан маъмуриятга мурожаат қилишни тавсия этди. Пировард натижада Н. Ҳожиматованинг илтимоси қаноатлантирилди. У айни пайтда комбинатда ишламоқда.

Ҳамид Олимжон номли маҳалла ҳудудида илгари фаолият юритган мол бозори кейинги йилларда ёпиб қўйилган эди. Очик мулоқот чоғида маҳалла фаоллари шу масалани кўтариб, мазкур бозорга эҳтиёж катта эканини таъкидлашди. Натижада, шаҳар ҳокими эски бозорни қайта очиб қўлишида қарор қабул қилди. Айни пайтда бозорни 1 июндан кечиктирмай ишга тушириш мақсадида қайта реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилган.

"Цемента" маҳалла фаоли Х. Очиллов илгари "Бек-ободцемент" акциядорлик жамиятига қарашли бўлган эски бинони болалар боғчасига айлантиришни мўлжаллаб, қайта таъмирлаш таклифи билан чиққан эди. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилот

Абдусамид Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР МЕЗОН

биркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш кафолатланди. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши кўзда тутилган бундай ислохотлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилиниб, эркин фаолият юритишлари учун имкониятлар янада кенгайди.

Элдор ТУЯКОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати.

вожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига — 1 минг 313 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, фаолият юритмаётган корхоналарни қайта

тобларга кўра, 2016 йил якуни бўйича туманда ишсизлик даражаси 3,2 фоизни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткичда 2,9-3,0 фоиз атрофида сақлаш мақсадида

4 минг 200 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳўш, бу нимадир ҳисобидан амалга оширилди? Таҳлил ва ҳисоб-ки-тоблар аниқ. Масалан, ишлаб чиқилган Дастурга мувофиқ, жорий йилда 3 минг 632 нафар фуқаронинг бандлиги янги ташкил этиладиган барқарор иш ўринлари ҳисобидан таъминланди. Бундан инвестиция, маҳаллийлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ри-

ҳудудий бошқармаси, Бек-обод шаҳар ҳокимлиги ва халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими вакиллари Х. Очиллов иштирокида бевосита жойига қилиб, вазиятни ўрганишда ва ушбу бинони қайта таъмирлаб, болалар боғчасига айлантириш хусусида вилот ҳокимлигига таклиф билан чиқилди. Буёғи мавжуд имкониятларга қараб ҳал бўлади.

А. Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р. Яминова учрашувда Жалолддин Манғуберди кўчасидаги 66 та хонадоннинг қадостр ҳужжатларини расмийлаштириш учун амалий ёрдам сўраган эди. Бу ерлар Бекобод тумани "Урмон ҳўжалиги" корхонасига қарашли бўлиб, мутахассислар корхона вакиллари билан бирга маҳаллага боришиб, вазиятни ўрганишмоқда. Демак, ўрганиш ақуларига қараб аниқ бир тўхтамга келинади.

"Наврўз" маҳалласи фаоли Х. Жамилова ҳудуд аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини ҳал этишни сўраб мурожаат қилган эди. Вилот "Сув-оқова" давлат унитар корхонаси "Наврўз" аҳлига ичимлик суви етказиб бериш мақсадида мутахассисларни жалб этиб, қудуқ қазиш белгиланган нуқталар координатларини аниқламоқда. Хулосалар тайёр бўлгач, бу масала ҳам тез кунларда ижобий ечим топди, деган умиддамиз.

Абдусамид Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Абдусамид Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

биркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш кафолатланди. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши кўзда тутилган бундай ислохотлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилиниб, эркин фаолият юритишлари учун имкониятлар янада кенгайди.

Элдор ТУЯКОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати.

Унинг ҳосилидан тогган

вожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига — 1 минг 313 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, фаолият юритмаётган корхоналарни қайта

тобларга кўра, 2016 йил якуни бўйича туманда ишсизлик даражаси 3,2 фоизни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткичда 2,9-3,0 фоиз атрофида сақлаш мақсадида

тобларга кўра, 2016 йил якуни бўйича туманда ишсизлик даражаси 3,2 фоизни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткичда 2,9-3,0 фоиз атрофида сақлаш мақсадида

тобларга кўра, 2016 йил якуни бўйича туманда ишсизлик даражаси 3,2 фоизни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткичда 2,9-3,0 фоиз атрофида сақлаш мақсадида

тобларга кўра, 2016 йил якуни бўйича туманда ишсизлик даражаси 3,2 фоизни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткичда 2,9-3,0 фоиз атрофида сақлаш мақсадида

тобларга кўра, 2016 йил якуни бўйича туманда ишсизлик даражаси 3,2 фоизни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткичда 2,9-3,0 фоиз атрофида сақлаш мақсадида

«БИЗНЕС АВТОБУС»
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА

Ёшларнинг бизнес гоёларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

□ Рағбат

Яқинда Юқори Чирчиқ туманида ҳаракатнинг вилот кенгаши қошидаги "Ёш тадбиркор" маслаҳат маркази томонидан туман ҳокимлиги, тижорат банклари, давлат солиқ инспекцияси, "Ягона дарча" маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, касб-хунар

коллеклари ҳамда бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда "Бизнес автобус" лойиҳаси ўтказилди.

Тадбир доирасида "Бизнес автобус" иштирокчилари туманининг "Қизилсой", "Тўқимбой", "Жалолтепа", "Қорасу-

қум", "Жумабозор", "Бордонқўл", "Ўзбекистон" ҳамда Аҳмад Яссавий номли маҳаллаларида белгиланган йўналишлар бўйича ҳаракатланиб, ушбу ҳудудларда яшовчи 600 нафардан зиёд ёшлар иштирокида "Менинг бизнес гоём" ва "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" лойиҳаларининг тарғиботи юзасидан суҳбат ва акциялар ташкил этди.

Соодатхон
МУҲИДИНОВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ЮРТДОШИМ,
БОҒИНГГА БИР
НИҲОЛ ҚАДА...

Ўзбеконга қадриятларга кўра, оилада ўғил туғилса, унга атаб ниҳол экилган. Фарзанд вояга етгунча, ўша ниҳол улкан дарахтга айланади. Бу ёғини сўрасангиз, кейинчалик уй қуриш чоғида ҳам ашё ўзингиздан

чиққанига, нима, етсин... Хисоб-китобларга қараганда, жорий мавсумда вилотимиз бўйлаб қарийб 10 миллион тул мевали ва манзарали дарахтлар экиш имконияти мавжуд. Демак, ўзи меҳнат қилаётган ташкилотнинг ён-верини обод қилишга бел боғлаган юртдошларимиз учун сино палласи бошланди. Қир-адирларга, лалми ерларга, жўяклар бўйларига, бинолар атрофидаги майдонларга расамади билан экилган ниҳоллар бир кун азамат дарахтларга айланади. Унинг ҳосилидан тогган

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

лар, соясида баҳра олганлар: "Экканга, тикканга раҳмат", дея алқайди.

Шундай экан, баҳорнинг бу ғанимат кунларидан фойдаланиб қолишга иштиқомда юртдошларимиз теваратрофни саранжом-саришталаш, дарахтларга шакл бериш билан бирга, ҳудудларга манзарали ва мевали дарахт қўчатлари, анвойи гул ниҳоллари экишга алоҳида эътибор қаратишлари табиий. Зеро, қуёш ҳамал буржига оққан туплада ўтқазилган ҳар туп қўчат бехато униб чиқса, ерга сепилган уруғ тезда илдиэ отиб, палак ёзади. Халқимиз "Ҳамал кирди, амал кирди", дея бежиз айтмаган. Бинобарин, улуглар айтганидек:

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
меваю япроқ...

«Ёш мутахассис — 2017»

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда битирувчилар учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Икки кун давом этган тадбирда 100 дан ортиқ иш берувчи корхона-ташкilotлар вакиллари қатнашди. Ҳар бир йўналиш бўйича иш берувчилар талабалар билан суҳбатлар уюштириб, шартномалар тузилиди.

БИТИРУВЧИЛАР,
СИЗ УЧУН

Жумладан, журналистика факультети ўқитувчи ва талабалари ҳам тадбирда фаол иштирок этишди. Факультетда айни пайтда 360 нафар талаба ва магистрант 40 га яқин профессор-ўқитувчилардан таълим олмоқда. Мазкур факультет битирувчилари босма оммавий ахборот воситалари, миллий телерадиокомпания ва унинг вилот филиалларида, вазирлик ва ташкилотларнинг матбуот хизматларида фаолият юритишмоқда.

— "Журналист" деган шарафли касбда иш бошлаш арафасида, — дейди Улугбек Орипов. — Амалиёт пайтларида "Халқ сўзи", "Туркистон", "Тошкент ҳақиқати" каби газеталарни ўқиб, ўргандим, мақолаларим билан қатнашиб турдим. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларга қизиқаман. Бугунги тадбирда таҳририятлардаги мавжуд бўш иш ўринлари, шарт-шароитлар, талаблар билан яқиндан танишиб, тегишли тавсиялар олдим. Ўқини битиргунча ана шу тавсиялар асосида ижодий жараёнларда фаол қатнашиб борсак, ҳар томонлама фойдали бўлиши аниқ.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Юлдузхон
МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.50.

Реклама ўрнида

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЕР ТУЗИШ ВА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТРИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш мўътабар
аёлларимизни баҳорнинг илк шукуҳли айёми –

8 март – Халқаро

хотин-қизлар кунини

билан табриклайди!

Она замин уйғониб, чор-атрофни нафосатга
буркаётган шу файзли кунларга Сизларга эзгу
орзу-умидлар, гўзал тилаклар ёр бўлсин!

Ҳар бир хонадонни тинчлик, хотиржамлик,
файз-барака, қувонч-шодлик тарқатмасин!

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

юртимиз хотин-қизларини

8 март айёми

билан муборакбод

этади.

Азиз опа-сингиллар,

баҳорий кайфият ва

гўзаллик доимий

ҳамроҳингиз бўлсин!

Хонадонингиздан

тинчлик,

осойишталик,

бахт-саодат

аримасин.

UZTELECOM

**"O'ZBEKTELEKOM" AK
TOSHKENT FILIALI**

*Азиз ва муқаддас аёлларни дилларга поклик,
юракларга шодлик ва меҳр зиёсини бахш этувчи*

8 март – баҳор ва нафислик байрами

*билан муборакбод этади. Гўзаллик, латофат ва назокат
Сизларни ҳеч қачон тарқатмасин. Юзингиздан табассум,
кўнглингиздан хотиржамлик, хонадонингиздан файз-барака
аримасин, мунис онажонлар, меҳрибон опа-сингиллар!*



**"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-
босқич ошиб бориши тартибида
ўтказиладиган очик аукцион
савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўрта Чирчиқ тумани суд
ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Ўрта Чир-
чиқ тумани судининг 26.01.2017 йилдаги 505-2017-
сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилоя-
ти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув Қ.Ф.Й да жой-
лашган "Тоza ҳаво" жарима майдонида сақлана-
ётган "Ваз-2105" русумли, д/р. 10 С 418 GA
бўлган 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник
носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бош-
ланғич баҳоси – 7 584 678 сўм 40 тийин.

Аукцион савдоси 2017 йил 4 апрель куни соат
11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий
иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қили-
нади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар
қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 31
март соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари
билан суд ижрочилари бўлими вакили иштиро-
кида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузил-
ган закатат келишувига асосан мулк бошланғич
баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдор-
даги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳуж-
жати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM"
МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон фили-
алидаги х/р: 20210000300571452114, МФО 01036,
ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иш-
тирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганли-
ги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун
ишончнома, чет эл юридик ва jisмоний шахс-
лари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг
келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган
маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш
манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қора-
қамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52.
www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.